



№ 164
« 14 » июль 2022 у.

**“Худудгазтаъминот” АЖ ҳузурида жамоатчилик кенгаши фаолиятини
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, жамият тизимидаги корхона ва ташкилотлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, улар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. “Худудгазтаъминот” АЖ ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши таркиби **1-иловага** ҳамда жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида **жамият манфаатларини ҳимоя қилиш;**

- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида **жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши,** фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, жамият зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича **жамият ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;**

- халқ билан мулоқот қилиш, жамиятнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун **жамиятни фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;**

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамиятнинг фаолияти ҳақидаги **жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш** ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш;

- жамият тизимидаги корхона ва ташкилотларда **коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги** давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

- жамият фаолиятининг **очиқлигини таъминлаш** бўйича амалга оширилаётган тадбирларни, унинг фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида **тадбирларни ташкил этиш;**

- жамият тизимидаги газ таъминоти корхоналари фаолияти устидан халқ депутатлари вилоят ва туман (шаҳар) кенгаши депутатлари билан ҳамкорликда **жамоатчилик назоратини ўрнатиш;**

- жамият тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг **фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш** ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- газ таъминоти фаолияти тизимида бўлаётган ўзгаришлар бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган **тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш**, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- жамият ижроия аппарати ва тизим ташкилотлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатишган ёки захирага олинган **ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш** ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

3. Жамоатчилик кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу буйруқ билан тасдиқланган жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом билан белгиланганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

4. Кенгаш раиси (Ахмедов) томонидан **икки ҳафта муддатда** 2022 йил июль-декабрь ойларида амалга ошириладиган тадбирлар иш режаси тасдиқланиши таъминласин ҳамда ижросини самарали ташкиллаштирасин.

5. Жамият тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари **ўн беш кун муддатда** ташкилотга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, жамият жамоатчилиқ кенгаши тўғрисидаги низом талаблари асосида жойларда семинарлар ташкил этилсин ва кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини олиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармониға мувофиқ **ҳар чорак якуни билан** жамоатчилик кенгаши фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг расмий веб-сайтида ёритиб борилиши таъминлансин.

Шунингдек, истеъмолчилар фикрини доимий равишда ўрганиб бориш мақсадида, ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда ижтимоий сўровлар ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Девонхона (Каримова) мазкур буйруқни Жамиятнинг тегишли бошқарма ва бўлимларига ҳамда Жамият тасарруфидаги барча ҳудудий газ таъминоти филиалларига етказилишини таъминласин.

8. Ушбу буйруқ ижросини таъминлаш Кенгаш раиси зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур буйруқ ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раиси

ИМЗО

Б. Эшмуратов

Асмига



тўғрисида

“Худудгазтаъминот” АЖнинг
2022 йил 14 июлдаги
164-сон буйруғига
1-илова

**“Худудгазтаъминот” АЖ ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши
ТАРКИБИ**

1. **АХМЕДОВ**
Шоназар Журабоевич - Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси,
Кенгаш раиси
2. **КАМИЛОВ**
Абдулла Абдуазимович - Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси
бошлиғи ўринбосари, *Кенгаш раисининг
ўринбосари*
3. **МАМЕТОВА**
Меҳрибон Рауфовна - Матбуот котиби - Бошқарув раисининг ахборот
сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси
4. **КУШЕРБАЕВ**
Расул Хидралиевич - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати, Коррупцияга
қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари
қўмитаси аъзоси (*келишув асосида*)
5. **УРАЗОВ**
Абубакир Култураевич - “Янги Ўзбекистон” ва “Правда востока”
газеталари таҳририяти давлат корхонаси бош
муҳаррири ўринбосари (*келишув асосида*)
6. **ЧЕРНИКОВ**
Максим Васильевич - Ижтимоий блогер (*келишув асосида*)
7. **АБДИЕВ**
Ўктам Сулаймонович - “Худудгаз Бухоро” газ таъминоти филиали
директор маслаҳатчиси (*келишув асосида*)
8. **БАЙХАНБОЕВ**
Хасан Нишанбаевич - “Худудгаз Наманган” газ таъминоти филиали
фахрий ходими (*келишув асосида*)
9. **МАННАНОВ**
Раҳматулло Суннатович - Суюлтирилган газ таъминоти объектларидан
самарали фойдаланиш бошқармаси бошлиғи
10. **МУСЛИМОВ**
Комолиддин Ғиёс ўғли - Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи,
Кенгаш котиби

**“Худудгазтаъминот” АЖ ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Жамият ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг (кейинги ўринларда — жамоатчилик кенгаши) асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик фикри асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.

3. Жамоатчилик кенгаши жамиятнинг марказий аппарати ҳузурида ташкил этилади ва унинг фаолияти жамиятнинг барча ҳудудий бўлинмалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларга татбиқ этилади.

4. Жамоатчилик кенгаши жамият бошқарув раисининг қарори билан ташкил этилади.

5. Жамоатчилик кенгашининг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

6. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, жамият бошқаруви раиси буйруқлари ва фармойишларига амал қилади.

7. Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом ва унга киритиладиган ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар жамият бошқаруви раисининг қарори билан тасдиқланади.

**2-боб. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари,
ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

8. Қуйидагилар жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- газ таъминоти бўйича қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамият манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, жамият зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни

бажариш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича жамият ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- биргаликда мулоқот қилиш, жамиятнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан газ таъминоти тизими фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

- газ таъминоти тизими фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қабул қилинган давлат дастурлари ва бошқа дастурларини ижроси ҳамда уларни амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

- газ таъминоти тизими фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- жамият ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатиш ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларини комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

9. Жамоатчилик кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

- жамият фаолиятига доир масалалар юзасидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича жамият бошқарув раисига тегишли таклифлар киритади;

- куз-қиш мавсумига тайёргарлик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Худудларга қилган ташрифлари доирасида ҳамда жамият томонидан берилаётган топшириқларнинг жойлардаги ижроси устидан назорат қилади ва бажарилган ишларнинг самарадорлигини таҳлил қилади, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

- жамият тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларининг фуқаролар билан учрашувларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларни ташкил этишда, шу жумладан жойларга бориб ташкил этишда қатнашади, уларнинг

амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказади;

- жамият ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатиш ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашади;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари бўйича жамият ходимлари ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этади;

- жамият ижроия аппарати ва тизимидаги ташкилотларда соғлом ишчанлик муҳитини ривожлантириш, қонунийликни, юксак ҳуқуқий маданият ва ахлоқийликни таъминлаш, ходимларда ватанга содиқлик руҳини ва қонунларга бўлган ҳурматни кучайтириш, уларни ижтимоий, сиёсий, руҳий ва маънавий-маърифий камол топтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- жамият фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қилади, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

10. Жамоатчилик кенгаши зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

- жамият томонидан ташкил этиладиган бўлажак мажлислар ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

- жамият тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини белгиланган тартибда бориб кўриш;

- жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;

- жамиятнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;

- жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига жамият ижроия аппарати ва тизим ташкилотлари томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлов асосида таҳлил қилиш;

- жамият ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

- жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

- юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Жамоатчилик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда:

- жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

- жамият фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;

- жамият ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

- жамият ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

- фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшга йўл қўймаслиги;

- жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, махфийлигига риоя қилиши шарт.

Жамоатчилик кенгашининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Жамоатчилик кенгашининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби

12. Жамоатчилик кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари киради.

13. Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, жамиятда намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг сони чекланмаган.

14. Жамоатчилик кенгашининг таркиби жамият раҳбарининг буйруғи билан ҳар 3 йилда тасдиқланади.

15. Қуйидаги ҳолатларда жамоатчилик кенгашининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

- улар томонидан жамоатчилик кенгаши таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

- жамоатчилик кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда, мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

- уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

- вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

16. Жамоатчилик кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартишлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 кун ичида жамиятнинг расмий веб- сайтида эълон қилинади.

17. Жамоатчилик кенгашининг раиси:

- жамоатчилик кенгашининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;
- жамоатчилик кенгашининг мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

- жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади;
- жамоатчилик кенгашининг иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди;

- жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилади;
- жамоатчилик кенгаши аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштиради;

- жамиятнинг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштирилдиган жамоатчилик кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни жамият раҳбари билан келишади;

- жамоатчилик кенгаши қарорларини бажариш масалалари юзасидан жамият раҳбари билан ҳамкорлик қилади;

- жамоатчилик кенгашининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Жамоатчилик кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринбосари бажаради.

19. Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари:

- раис йўқлигида жамоатчилик кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

- жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

- фуқароларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек, жамоатчилик кенгаши фаолиятига тааллуқли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

- жамоатчилик кенгашининг самарали ишларини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Жамоатчилик кенгашининг котиби:

- жамоатчилик кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий- техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

- жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, жамият ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

- кун тартибига мувофиқ жамоатчилик кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

- жамоатчилик кенгаши ўтказилдиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини жамоатчилик кенгашининг раиси билан келишади;

- жамоатчилик кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни жамоатчилик кенгаши мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қилади;

- жамоатчилик кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини жамоатчилик кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

- жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

- жамоатчилик кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Жамоатчилик кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, унинг аъзоси мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисда кўриб чиқиладиган ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Жамоатчилик кенгашининг аъзолари:

- ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун давлат органи томонидан ташкил этиладиган ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

- жамоатчилик кенгаши иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни жамоатчилик кенгашида кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

- жамият фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда қатнашади;

- жамият ходимлари, уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ўтказиш ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифларни жамоатчилик кенгашига киритади;

- жамоатчилик кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материалларини тайёрлайди;

- жамоатчилик кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

- жамоатчилик кенгашининг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқиладиган. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Жамоатчилик кенгашининг раиси жамоатчилик кенгаши аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин.

23. Жамоатчилик кенгашининг мажлисларига бошқа мутасадди ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

24. Жамоатчилик кенгаши мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан жамоатчилик кенгаши аъзоларининг таклифлари ва жамоатчилик кенгаши раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

25. Жамоатчилик кенгашининг мажлисини унинг раиси олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринбосари олиб боради.

Жамоатчилик кенгашининг мажлисида давлат органи раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

26. Жамоатчилик кенгашининг мажлиси, агар унда жамоатчилик кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, жамоатчилик кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

27. Жамоатчилик кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган жамоатчилик кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

28. Жамоатчилик кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Унинг фикри жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

29. Жамоатчилик кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. Жамоатчилик кенгаши мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдикланади ва уч кун муддатда жамоатчилик кенгаши аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади.

30. Жамоатчилик кенгашининг қарорини тезлик билан қабул қилиш зарурияти туғилганда, унинг раиси ташаббуси билан қарор жамоатчилик кенгашининг аъзолари билан келишилган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Жамият жамоатчилик кенгашининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай унга асослантилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

31. Жамоатчилик кенгашининг котиби кенгаш аъзолари кўмагида жамоатчилик кенгаши қарорлари ижросининг боришини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда, жамоатчилик кенгашининг раисига тегишли таклифлар киритади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

32. Жамоатчилик кенгашининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш жамият томонидан, шунингдек, конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

33. Жамоатчилик кенгашининг фаолияти унинг низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлиги жамиятнинг раҳбари томонидан назорат қилинади.

34. Жамоатчилик кенгашининг ва жамият раҳбарининг жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ қарорлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.